



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG'I

20 18 yil "24" 05.

№ 336

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясини олдини олиш  
чора-тадбирлари ва тиббий ёрдамни ташкил этишни янада  
такомиллаштириш тўғрисида**

“Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3493 сонли “Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Қуйидагилар:

ОИВ инфекциясининг этиологияси, эпидемиологияси, патогенези ва ОИВ инфекцияси аниқланганда эпидемиологик суриштирув ўтказиш қодалари бўйича услубий қўлланма 1-иловага мувофиқ;

ОИВ инфекциясининг лаборатория диагностикаси, туманлараро ОИВ диагностика лабораториялари Низомива дислокацияси 2-иловага мувофиқ;

ОИВ инфекциясига текширишга йўналтириш бўйича маслаҳатни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий қўлланма 3-иловага мувофиқ;

ОИВ инфекцияли беморларга тиббий ёрдамни ташкил этиш ва кўрсатиш тартиблари 4-иловага мувофиқ;

ОИВ инфекцияси устидан Дозорли эпидемиологик назоратни ташкил этиш ва ўтказиш қодалари 5-иловага мувофиқ;

ОИВ инфекцияси билан боғлиқ касалликлар мавжуд беморлар ва уларнинг яқинларига рухий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш хоналари тўғрисида Низом 6-иловага мувофиқ;

ОИВ инфекциясига қарши курашиш тадбирларининг мониторинги ва вазиятга баҳо бериш бўйича йўриқнома 7-иловага мувофиқ;

ОИВ инфекцияси бўйича врачлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш дастури 8-иловага мувофиқ;

ОИВ инфекцияси юқиши хавфи юкори бўлган шахслар орасида профилактик хизматларни кўрсатувчи “Ишонч хоналари” тўғрисида Низом 9-иловага мувофиқ;

“ОИВ инфекцияси юқиши хавфи юкори бўлган шахслар орасида профилактик хизматларни кўрсатиш тўғрисида”ги услубий қўлланма 10-иловага мувофиқ;

ОИВ инфекцияси юқиш хавфи юкори бўлган шахслар учун ОИВ профилактикаси бўйича ўтказиладиган Стандарт Операцион жараёнлар 11-иловага мувофиқ;

Туғруқ комплексларини экспресс тест-системалари билан таъминотининг ойлик мониторинги шакли 12-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларига, Республика тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасалари, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва илмий-текшириш институтлари раҳбарларига:

даволаш-профилактика муассасаларида мазкур буйруқ асосида ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш тадбирларини ташкиллаштириш ва ижросини назорат қилиш бўйича масъул мутахассисни тайинлаш ҳамда уни мунтазам равишда ОИВ инфекцияси бўйича тайёргарликдан ўтказиб бориш;

ОИТСга қарши кураш марказлари ва туманлараро ОИВ диагностик лабораторияларида мукамал таъмирлаш ва реконструкция ишлари ўтказилиши, уларга замонавий лаборатория диагностика асбоб-ускуналар, тест системалар, реактивлар ва бошқаларнинг етказиб берилиши ҳамда мавжуд асбоб-анжомларга техник хизмат кўрсатилишини ва йилда бир марта ўлчов асбоб-ускуналари метрологик кўрикдан ўтказилишини таъминлаш;

2018 йил 1 июлдан бошлаб ташхис қўйиш билан шуғулланувчи туманлараро ОИВ диагностика лабораториялари ҳудудий ОИТСга қарши кураш марказлари таркибига киритилиши инobatга олинсин;

Туманлараро ОИВ диагностик лабораторияларининг штат бирликлари ва барча моддий-товар бойликлари ҳудудий ОИТСга қарши курашиш марказлари балансига ўтказилиши таъминлансин;

ОИТСга қарши кураш ҳудудий марказларига туманлараро ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш лабораторияларини молиялаштириш, моддий-техник таъминлаш ҳамда уларнинг фаолиятига ташкилий-методик раҳбарлик қилиш юклатилсин;

Туманлараро ОИВ диагностик лабораториялар жойлашган туман/шаҳар тиббиёт бирлашмалари, Давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари ва бошқа даволаш-профилактика муассасалари биноларидан фойдаланганликлари учун ижара ҳақи ундирилмаслиги белгилаб қўйилсин;

ОИВ инфекциясига иммуноблот усулида текшириш йўлга қўйилган Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ОИТСга қарши курашиш

марказлари эҳтиёжига кўра лаборатория асбоб-ускуналари ва тиббий жихозлар билан таъминлаш чораларини кўриш;

тиббиёт муассасаларига мурожаат этганларни ОИВ инфекциясига текширишда ҳар бир шахс билан тестдан олдинги ва кейинги маслаҳат берилишини таъминлаш;

ОИВ инфекцияси аниқланган бемор ОИТСга қарши курашиш марказлари ва туман(шаҳар) тиббиёт бирлашмалари томонидан диспансер назоратига олиниб, ўз вақтида тегишли тиббий кўрикдан ўтказилишини ташкиллаштириш;

ОИВ инфекцияси билан яшовчи шахслар ва уларнинг жинсий шерикларини ҳимоя воситалари билан таъминлаш;

даволаш-профилактика муассасаларида ОИВ инфекцияли шахсларга тиббий ёрдам кўрсатилиши ва бунда ОИВ инфекцияли шахс ҳақидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

Соғлиқни сақлаш бошқармаси, ДСЭНМ ва ОИТСга қарши курашиш маркази мутахассислари томонидан доимий равишда тунги ҳамда фавқулодда рейдлар ўтказиш орқали ДПМларда санитария қоида ва меъёрларига риоя қилинишини назорат қилиб бориш;

ОИВ инфекциясининг шифохона ичи шароитида ва онадан болага юкиши ҳолатларига йўл қўймаслик, ОИВ инфекциясининг шифохона ичи шароитида ва онадан болага юкиши гумон қилинган ҳар бир ҳолат сабабларини ўрганиб чиқиб муҳокама қилиш ва касаллик тарқалиб кетишини олдини олиш чораларини кўриш;

даволаш-профилактика муассасаларида тиббий авария ҳолатлари қайд этилганда мулоқотдан кейинги профилактика ўтказиш учун антиретровирус препаратларининг захирада етарли миқдорда бўлишини таъминлаш;

худудлардаги юқумли касалликлар шифохоналарида ОИВ инфекцияли беморларни даволаш учун ажратилган ўринларнинг доимий фаолият юритилишини ва ОИВ инфекцияли беморларни даволовчи шифокорлар ўзлари жойлашган ОИТСга қарши кураш марказларида доимий равишда малака оширишларини таъминлаш;

даволаш-профилактика муассасаларида, фаолият йўналишидан катъий назар, барча врачлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари учун йилда бир марта масъул мутахассислар томонидан ОИВ инфекцияси масалалари бўйича ўқув машғулотларини олиб бориш, ОИТСга қарши курашиш марказлари мутахассисларини жалб этган ҳолда семинарлар ташкил этиш ва унинг якуни бўйича имтиҳон(синов) ўтказилишини таъминлаш;

хомиладор аёлларни ОИВ инфекциясига текшириш мақсадида, туғруқ комплексларини етарли миқдорда экспресс тест-системалари билан таъминлаш;

ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, “Ишонч хоналари” учун штат бирликлари ажратилиб, шу асосда фаолият юритилишини йўлга қўйиш;

“Ишонч хоналари” нинг фаолиятини мазкур буйруқ билан тасдиқланган “Ишонч хоналари низоми” ва “ОИВ инфекцияси юкиши хавфи юқори бўлган

шахслар орасида профилактик хизматларни кўрсатиш тўғрисида”ги услубий қўлланма асосида юритиш;

“Ишонч хоналари”ни узлуксиз равишда етарли миқдорда бир мартаба ишлатиладиган шприц, профилактик ҳимоя воситалари ва ахборот-таълим материаллари билан таъминланишини ташкил этиш;

ДПМларда фаолият юритаётган барча тиббий ходимларни, айниқса фаолияти қон ва унинг таркибий қисмлари, биологик суюқликлар, одам органлари ва тўқималари билан боғлиқ тиббий ходимларни ОИВга текшириш ишларини улар фаолият кўрсатаётган даволаш-профилактика муассасаси ҳисобидан амалга ошириш ва бу мақсадда тиббиёт муассасаси смета харажатларида тегишли маблағ ажратилишини режалаштириш топширилсин.

3.Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ДСЭНМлари бош врачлари:

даволаш-профилактика муассасаларида санитария-гигиена, эпидемиология қоида ва меъёрларига амал қилиниши устидан назоратни кучайтирсин;

ОИВ инфекцияси шифохона ичи шароитида юқиши гумон қилинган ҳолатлар бўйича ОИТСга қарши курашиш марказлари мутахассислари билан биргаликда чуқур таҳлил олиб борсин ва аниқланган камчиликлар бўйича ДПМ раҳбарлари ва масъул шахсларга нисбатан ўрнатилган тартибда қатъий чоралар кўрсин.

4.Нодавлат ташкилотларнинг тиббий фаолиятини лицензиялаш бошқармаси бошлиғи Ф.А.Рахимкуловга:

нодавлат тиббиёт муассасалари томонидан шахнинг ОИВ инфекциясига лаборатория текширилганлиги тўғрисида маълумотнома/сертификат берилишига йўл қўймасликни назорат қилиш;

нодавлат тиббиёт муассасаларида ОИВ инфекциясига қарши курашиш тадбирларининг ижроси устидан назоратни кучайтириш;

нодавлат тиббиёт муассасаларида ОИВ инфекцияси юқиши гумон қилинган ҳолатлар юзасидан ушбу ҳолатга боғлиқ тиббий ҳужжатлар тақдим этилишини назорат қилиш;

нодавлат тиббий муассасаларида фаолият йўналишидан қатъий назар, барча врачлар, ўрта тиббий ходимларни ОИВ инфекцияси масалалари бўйича билим савиясини оширишни назорат қилиш.

5.Даволаш-профилактика ёрдамни ташкиллаштириш бош бошқармаси бошлиғи Ф.Р. Шарипов, Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи М.Ф. Садиқов, Санитария-эпидемиология назорати Бош бошқармаси бошлиғи Д.С. Мирзабоевга:

Даволаш-профилактика муассасаларида ОИВ инфекцияли шахсларга малакали тиббий ёрдам кўрсатилиши ва тиббий муолажаларнинг хавфсизлигини таъминлаш устидан назоратни кучайтириш;

2018 йилнинг биринчи ярмида, асосланган иш юкласидан келиб чиққан ҳолда “Ишонч хоналари” мутахассисларининг штат нормативлари ишлаб чиқилишини таъминлаш топширилсин.

6. Иқтисодиёт, молиялаштириш ва истиқболни аниқлаш бош бошқармаси бошлиғи Б.Т. Эргашевга:

Республика ОИТС га қарши курашиш маркази талабномаларига асосан, антиретровирус препаратлари, диагностикаумлар бюджет маблағлари ҳисобидан марказлаштирилган ҳолда харид қилиниши ҳамда узлуксиз таъминланишига босқичма-босқич ўтиш учун зарур маблағлар ажратилишини кўзда тутиш;

эпидемиологик суриштирув ишларини ўтказиш бўйича мутахассисларнинг хизмат сафари харажатларини қоплаш учун ҳудудий ОИТСга қарши курашиш марказларига қўшимча маблағ ажратилиши масаласини қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқиш;

ОИТСга қарши курашиш марказлари поликлиника бўлими штат бирликларига аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда болалар ва катталар юқумли касалликлар шифокори, фтизиатр, фармацевт, провизор, катта хамшира, кичик тиббий ходимлар ва ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходимлар штат бирликларини киритиш масаласини кўриб чиқиш вазифаси юклатилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири (Д.Ш. Ходжиев) ва Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи (И.И. Нарзиев) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ОИТСга қарши курашиш маркази бош врачлари (в.в.б. Д.Мадреимова) ва Бухоро вилояти ОИТСга қарши курашиш маркази бош врачлари Я.Ш. Равшанов:

2018 йилнинг IV чорагидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ОИТСга қарши курашиш маркази Хоразм вилояти учун ва Бухоро вилояти ОИТСга қарши курашиш маркази Навоий вилояти учун ОИВ инфекциясига иммуноблот усулида текширишни йўлга қўйсин;

иммуноблот усулида текширув учун зарурий лаборатория асбоб-ускуналарни харид қилиш ва уларнинг ишлаши учун тегишли шароит яратишни таъминласин.

8. Хоразм ва Навоий вилоятлари Соғлиқни сақлаш бошқармалари ва мазкур вилоятлар ОИТСга қарши курашиш марказлари бош врачлари Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилояти ОИТСга қарши курашиш марказида ОИВга иммуноблот усулида якуний ташхис қўйиш ташкил этилган вақтдан бошлаб, ИФА мусбат натижа олинган қон намуналарини ўз вақтида Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилояти ОИТСга қарши курашиш маркази лабораторияларига етказилишини таъминласин.

9. Республика ОИТСга қарши курашиш маркази директори Н.С. Атабековга:

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш тадбирларини режалаштириш ва амалга ошириш бўйича давлат, нодавлат ва халқаро ҳамда жамоат ташкилотлари фаолиятларини мувофиқлаштириш ва ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш;

ОИВ инфекциясига иммуноблот усулида текшириш йўлга қўйилган ҳудудий ОИТСга қарши курашиш марказларига амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

иммуноблот усулида текширув йўлга қўйилган ҳудудий ОИТСга қарши курашиш марказларидан иммуноблотга қайта текширув (арбитраж) учун олиб келинган намуналарнинг сифат назорати амалга оширилишини таъминлаш топширилсин.

10. Республика ОИТСга қарши курашиш маркази директори Н.С.Атабеков ва ҳудудий ОИТСга қарши курашиш марказлари бош врачларига:

аҳолининг касаллик юқиш хавфи юқори бўлган гуруҳлари орасида 2 йилда 1 марта дозорли эпидемиологик назорат ўтказиш ва натижаси бўйича олинган маълумотлардан профилактик дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш учун фойдаланиш;

профилактик дастурларнинг самарали ишлашини таъминлаш учун халқаро ташкилотлар, лойиҳалар, грант маблағлари ва бошқа донор ташкилотлар имкониятларини кенг жалб этган ҳолда “Ишонч хоналари”ни бир мартаба ишлатиладиган шприцлар, профилактик ҳимоя воситалари, ахборот-таълим материаллари билан узлуксиз таъминлаш чораларини кўриш;

ОИТСга қарши курашиш марказларида иммуноблот усулида текширилган қон намуналарининг 10 фоизини ҳар чоракда арбитраж текшируви учун Республика ОИТС га қарши курашиш марказига етказиш;

ОИВ билан яшовчи шахсларни даволаш, қўллаб-қувватлаш ва профилактикаси бўйича белгиланган чора-тадбирлар ижроси устидан мониторинг ва баҳолашни ўтказишни таъминлаш;

ОИВ инфекцияли беморлар бўйича ўтказиладиган эпидемиологик суриштирув ишлари ва диспансер назоратини мониторинг қилиш мақсадида автотранспорт ва хизмат сафари харажатларини белгиланган тартибда қоплаш топширилсин.

11. Республика ОИТСга қарши курашиш маркази директори Н.С.Атабеков ва Вирусология илмий текшириш институти директори Э.И.Мусабаев ҳар икки йилда бир марта ОИВ диагностика лабораториялари фаолиятининг ташқи сифат назоратини баҳолашни таъминласин.

12. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори Х.А.Акилов ва Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлар малакасини ошириш маркази директори Л.Х.Мусаджоновага:

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳамда Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлар малакасини ошириш маркази базасида ОИВ инфекцияси муаммоси бўйича ташкил этилган махсус курсларни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари асосида охириги фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда олиб бориш;

ўқув циклларига келган тингловчиларга, малака ошириш йўналишидан катъий назар, ОИВ инфекцияси масалаларига бағишланган машғулотлар ўтказишни таъминлаш топширилсин.

13. Мазкур буйруқ чиқарилиши муносабати билан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясини олдини олиш чора-тадбирлари ва тиббий ёрдамни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида” 2015 йил 25 мартдаги 123-сонли ва

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 сентябрдаги 256-сонли “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги қарорини амалга ошириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 12 сентябрдаги №338 сонли буйруқлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14.Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Қ. Юсупалиев ва вазир ўринбосари, Республика Бош давлат санитария вазири С.С.Саидалиев зиммасига юклатилсин.

Вазир



А. Шадманов

Киритилди:

СЭНББ бошлиғи



Д. С. Мирзабаев

Келишилди:

Вазирнинг биринчи ўринбосари




Б. К. Юсупалиев

Вазир ўринбосари



С. С. Саидалиев

Вазир ўринбосари




Э. И. Баситханова

Назорат инспекцияси бошлиғи



Ш. Ю. Нишанов

ДПЁТББ бошлиғи



Ф. Р. Шарипов

ОваБМҚББ бошлиғи



М. Ф. Садыков

Иқтисодиёт, молиялаштириш ва  
истикболни аниқлаш Бош  
бошқармасининг бошлиғи



Б.Т. Эргашев

Юридик хизмат бошлиғи



Р. И. Мухаммадиев



М. С. Касимов

